САЙЛОВГА 17 КУН ҚОЛДИ!

XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

e-mail: xxi_asr@mail.ru

2019-YIL 5-DEKABR, PAYSHANBA, 48-49 (838-839)-SON

web sayt: www.21asr.uz

Муносабат

Минтақа тараққиётининг таянч нуқтаси

Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви хорижий ОАВ ва таҳлилчилар нигоҳида

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи бора бўлиб ўтган маслаҳат учрашуви минтақада ва хорижда катта қизиқишга сабаб бўлмоқда. Кўплаб оммавий ахборот воситалари, таниқли экспертларнинг ушбу масалага мурожаат қилаётгани айнан шундан далолат беради. Шу ўринда бундай қизиқишнинг сабаблари нимадалиги ва таҳлилчилар томонидан учрашувнинг қайси жиҳатларига алоҳида урғу берилаётгани эътиборимизни тортиши табиий.



Бахтиёр ЯКУБОВ,
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бугун минтақада амалга оширилаётган бу каби муҳим жараёнлар, ушбу ташаббуслар атрофида шаклланаётган турлича муносабатлардан бохабар бўлиш партия фаолларига ҳам ушбу жараёнларни тўғри англаш, таҳлил қилиш ва воқеликка нисбатан ҳар хил ёндашувлар моҳиятини тушуниш имконини беради. Ваҳоланки, бугун аҳоли ўртасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларида бу мавзуга оид асосланган маълумотлар кутилган натижа бериши мумкин.

Таҳлилий марказлар томонидан кузатилаётган бундай қизиқишларга сабаб, даставвал Марказий Осиё минтақасининг бугунги дунё сиёсати ва геоиқтисодиётида тутаётган ўрни, жаҳондаги етакчи давлатлар томонидан бу улкан ҳудудга бўлган жиддий қизиқиш билан боғлиқ. Марказий Осиё бугунги кунда нафақат стратегик хомашё захираларига жуда бой ўлка сифатида, балки жаҳоннинг турли қитъаларини бир бири билан мустаҳкам боғлашга қулай нуқта сифатида ҳам аҳамиятлидир. Шунинг учун ҳам бирор-бир ташқи кучнинг минтақа давлатлари билан яқинлашишга бўлган ҳаракати бўлсин ёки уларнинг ўзаро муносабатларидаги ўзгаришлар бўлсин, дарҳол таҳлилчилар эътиборини тортаётгани сир эмас.

Қолаверса, ушбу нуфузли учрашувга бу даражада катта эътибор қаратилишининг сабаби унинг формати билан бевосита боғлиқ, десак муболаға бўлмайди. Чунки Марказий Осиё давлатлари кўплаб халқаро тузилмалар таркибида фаол иштирок этаётган бўлса-да, яқин яқингача фақат ўзларигагина тегишли бўлган, учинчи бир давлатлар иштирокисиз ўтказадиган ва минтақа учун долзарб масалаларни ўзаро муҳокама қиладиган сиёсий мулоқот майдонига эга эмас эди. Тўғри, илгари ҳам бундай ҳамкорликни йўлга қўйишга уринишлар бўлган, масалан, "Марказий Осиё иқтисодий ҳамкорлиги ташкилоти", "Марказий Осиё давлатлари ташкилоти" каби қатор тузилмалар муайян муддат мавжуд бўлган эди. Лекин уларнинг бирортаси минтақа давлатларини тўла қамраб ололмаган, айтиш мумкинки, етакчиларни бир даврага жамлай олмаган эди.

Шунинг учун бўлса керак, аввалбошда айрим сиёсатдонлар ушбу ташаббусга ҳам ишончсизлик билан қараганликлари маълум. "АҚШ+5", "Япония+5", "ЕИ+5" каби форматларни мисол келтириб, фақат шундай шаклдаги форумлардагина минтақа давлатлари вакилларини биргаликда, яъни бирор кучли давлат шафелигидагина йиғиш мумкинлиги тўғрисида жар солишарди.

Шу ўринда бир ҳақиқатни тан олиш лозим. Бундай қарашларнинг вужудга келишига сабаб мамлакатларимиз ҳамкорлиги тарихидаги маълум бир босқичда ҳақиқатдан ҳам улар ўртасида юзага келган тушунмовчилик, ҳатто айрим масалаларда ишончсизлик аломатлари эндиликда улар ўртасидаги ишонч муҳитини тиклашда анча мушкулликлар туғдиради, деган қарашни келтириб чиқарган эди.

Лекин яқинда бўлиб ўтган Тошкент учрашуви бу каби шубҳаларни тарқатиб юборди ва бу борадаги эскича дунёқарашларни ҳам кескин ўзгартирди. Масалан, номдор таҳлилий марказлардан бири "Карнеги маркази"нинг Москвадаги бўлими эълон қилган мақолада шундай фикрлар келтирилади: *"Ноябрь ойи охирида Тошкентда бор-йўғи иккинчи марта ўтказилаётган минтақа давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашуви ҳақиқатдан ҳам эътиборни тортадиган учрашув бўлди. Илк бор минтақанинг барча бешта давлати етакчилари Марказий Осиё муаммоларини биргаликда дўстона ва конструктив руҳда муҳокама қилишга шай бўлган ҳолда бир даврага йиғилишди. Мавжуд муаммоларни ҳал қилишда минтақавий интилишларни мувофиқлаштириш борасидаги ушбу ҳаракат илгари бу мақсадда қилинган кўплаб уринишлардан анча муваффақиятли бўлишига умид туғдиради".*

Очиғи, илгарилари нуфузли таҳлилий марказлар томонидан камдан кам ҳаракатлар бундай баҳо олган десак, муболаға бўлмайди.

Минтақавий ҳамкорлик масалалари таҳлилига бағишланган ушбу мақола кўпчиликда катта қизиқиш уйғотиши мумкин ва биз, албатта, уни партия сайтида эълон қиламиз. Лекин шу ўринда мақола муаллифларининг ўтган тадбирга "ҳақиқатдан ҳам муваффақиятли бўлди" дея баҳо берар экан, яна қуйидаги фикрларни келтирганини айтиб ўтмоқчи эдик: *"СССР тарқаганидан буён ҳали минтақа бунақасини кўрмаган эди"*. Мақола муаллифи А.Дубнов томонидан бежиз бундай баҳо берилмаётганини бошқа бир таҳлилчи фикридан ҳам ўқиб олиш мумкин.

"Иккинчи маслаҳат учрашуви минтақа мамлакатлари раҳбарларининг мавжуд муаммоларни очиқ муҳокама қилишга ва уларни ҳал қилиш борасида кучларни бирлаштиришга тайёр эканини кўрсатди", дейди Қозоғистондаги Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими Э.Байдаров Украинанинг "Армия, конверсия ва қуролсизланиш муаммолари Маркази" сайти учун тайёрланган мақоласида.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган Маслаҳат учрашувида барча мамлакатлар етакчилари томонидан қатор ташаббуслар илгари сурилганига тўхталар экан, муаллиф ушбу учрашувга мезбонлик қилган Ўзбекистон етакчиси Ш.Мирзиёев ташаббусларига алоҳида урғу беради.

Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу саммитда илгари сурган таклифларига кўплаб бошқа таҳлилий марказлар ва тадқиқотчилар томонидан ҳам катта эътибор қаратилганини кўриш мумкин. Хусусан, МДҲ Ижроия қўмитаси расмий сайти, Озарбойжоннинг "trend.az", "newscentralasia.net" сайти, МДҲ интернет-портали, "Eurasia Daily" ахборот агентлиги, "Ритм Евразии" таҳлилий-ахборот сайти, Марказий Осиё минтақавий таҳлилий тармоғига тегишли "caa-network.org" материаллари бунга яққол мисол бўла олади.

Халқаро илмий-ижтимоий "Мир перемен" журналида ушбу саммитга бағишлаб эълон қилинган Москва давлат халқаро муносабатлар институти таҳлилий маркази раҳбари, сиёсий фанлар доктори А.Казанцев ва сиёсий фанлар номзоди А.Каженованинг мақоласи "Марказий Осиё интеграциясининг янги даври" деб номланган ва бу бежиз эмас, албатта. Муаллифлар тарихий экскурс ўтказиб, бу борадаги аввалги саъй-ҳаракатларни таҳлил қилиш баробарида, уларнинг муваффақиятсизликка учраш сабабларини ҳам таҳлил қилади. Минтақа давлатларининг Маслаҳат учрашуви мутлақо янгича асосларда қурилаётганини таъкидлашар экан, бундай форматнинг вужудга келиши бевосита Ш.Мирзиёев ташаббуси билан боғлиқ эканига алоҳида тўхталинади: *"Кўп томонлама минтақавий ҳамкорликнинг янги даври 2016 йилда Ўзбекистонда Ш.Мирзиёевнинг раҳбарликка келиши ва у томонидан ўтказилган кенг миқёсли ислоҳотлар билан бевосита боғлиқ. Қўшни давлатлар билан яқин ҳамкорлик Тошкент олиб бораётган ташқи сиёсатнинг асосий устуворликларидан бирига айландики, натижада минтақа давлатлари билан мулоқотлар ниҳоятда фаоллашди"*.

Минтақадаги бундай ижобий ўзгаришларга нима асос бўлди деган саволга мақола муаллифлари қуйидагича жавоб беради: *"Айнан Ш.Мирзиёевнинг очиқ сиёсати ва кенг кўламли ислоҳотлари минтақадаги "кучлар тақсимоти"ни ўзгартириб юборди ва интеграцион жараёнларга куч бағишлади. Шу нуқтаи назардан бўлиб ўтган саммитни Ўзбекистон янги раҳбарининг жуда катта ютуғи дейиш мумкин. Ш.Мирзиёев даврида Ўзбекистон минтақанинг барча давлатлари билан ўзаро муносабатларни фаол ривожлантиришга бел боғлагани инобатга олинадиган бўлса, бу борада яқин келажакда ҳудудда катта ижобий ўзгаришларни башорат қилиш мумкин бўлади"*.

Шу ўринда Марказий Осиёдаги инқилобий жараёнларни ҳудудга бефарқ бўлмаган ташқи кучлар қандай қабул қилиши мумкин, деган саволга жавоб ахтарар экан, муаллифлар қуйидаги фикрларни келтиради: *"Ҳозирги босқичда Марказий Осиё давлатлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатишдан барча етакчи кучлар манфаатдор. Бундай шароитда минтақа давлатларининг алоҳида ёки «Марказий Осиё бешталиги» сифатида бўлсин, мустаҳкамланиб бориши ташқи кучларда хавф уйғотмайди. Аксинча, дунёда ҳеч ким Марказий Осиёда инқирозли вазият вужудга келиши(айниқса қўшни Афғонистондаги муаммоли ҳолатларнинг ўсиши жараёнида)дан манфаатдор эмас. Минтақада барқарорликка эришишга эса ундаги давлатлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришсиз эришиб бўлмайди"*.

Албатта, тилга олинган мақолалар, таҳлилий хулосалар ҳали Тошкент учрашувидан кейинги дастлабки кунларда чоп этилган материаллар, холос. Лекин шуларнинг ўзиёқ бугун нафақат яқин, балки узоқ хорижда ҳам ушбу саммит минтақа етакчилари ўртасида илгари кузатилмаган ўзаро ишонч ва яқинлик руҳини юзага келтиргани ва шу туфайли Марказий Осиё келажагига мутлақо янгича қарашларни шакллантиришга асос яратган учрашув сифатида баҳоланаётганини кўрсатади.

Албатта, минтақа мамлакатлари етакчилари бошлаб берган бу ижобий жараёнларни ривожлантиришга сиёсий партиялар, хусусан мамлакатда етакчи сиёсий куч бўлган O'zLiDeP ҳам ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Бу, энг аввало, давлатимиз раҳбари томонидан ушбу саммит доирасида илгари сурилган ташаббусларни амалга оширишда партия имкониятларидан фойдаланиш, бу ишларга депутатлик корпусимизни ҳам кенг жалб қилиш орқали амалга оширилиши мумкин. Қолаверса "партиявий дипломатия" имкониятларидан самарали фойдаланиб, амалга оширилаётган ишлар, хусусан, қўшни давлатлар етакчи сиёсий партиялари билан ўзаро алоқаларда ушбу ташаббуслар учрашувларнинг таянч нуқтасига айланиши лозим бўлади.

Сайлов – 2019

Асака туманидаги "Обод турмуш тарзи" кўп тармоқли фермер хўжалиги 2015 йилда 10 гектар ер майдони билан ташкил этилган эди. Ҳусниддин Каримов раҳбарлик қилаётган хўжалик тасарруфидаги ер майдони айни кунда 4200 гектарга етган.

Андижон аҳли синовга тайёр!

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси масъул ходимлари ва партиядан кўрсатилган номзодлардан иборат тарғибот гуруҳи билан мулоқот замонавий фермернинг янги қирраларини очиб берди. Сиёсий майдоннинг қайноқ жараёнларида партия сайловолди дастурида белгиланган долзарб вазифалар ижросига дахлдорлик ҳисси билан меҳнат қилаётган инсоннинг аграр соҳада эришаётган ютуқлари йиғилганларни қувонтирди.

– Замондошимиз, маслакдошимиз, кўпчилик ибрат олса арзигулик фермерлардан бири Ҳусниддин Каримовнинг бугунги харидор ва буюртмачилар талаб-эҳтиёжларини пухта ўзлаштираётгани қувонарли ҳол, – деди O'zLiDeP Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси раиси Актам Хаитов. – Бугунги тезкор, глобаллашув замонида фақатгина тупроқ тилини, деҳқончилик илмини эгаллашнинг ўзи камлик қилади. Машаққат билан етиштирилган ҳосилни қайта ишлашда ҳам албатта илғор тажриба керак. Фермер ўзи етиштирган маҳсулотидан ташқари тумандаги барча хўжаликлар, ер эгалари, деҳқонлар билан ҳамкорлик қилиб, уларнинг маҳсулотларини ҳам қайта ишлаб, ички ва ташқи бозорга тақдим қилмоқда. Бундай имкониятлар партиямиз билан ҳамкорликда амалга оширилаётгани мамнун қилади кишини. Ана шундай ёниб, фидойилик кўрсатиб ишлайдиганлар сафи тобора ортиб бораётганидан хурсандмиз.

Фермер хўжалигидаги тарғибот тадбири тумандаги 11-болалар мусиқа ва санъат мактабида давом этди. 250 нафардан ортиқ сайловчи жамланган давра суҳбатида сўз олганлар партия сайловолди дастуридан келиб чиқадиган устувор вазифалар ижросига алоҳида тўхталдилар.

– Асака туманидаги 197 минг 868 нафар сайловчи кўрсатилган номзодларга овоз беради, – дейди O'zLiDeP Андижон вилоят Кенгаши раиси Тоҳиржон Толипов. – Тадбир доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига 13-Асака сайлов округидан номзоди илгари сурилган Абдукарим Жалилов ҳамда 26-Зарбдор сайлов округидан халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши депутатлигига номзоди тавсия этилган Ҳусниддин Каримовларнинг сайловолди дастурлари билан яқиндан танишилди.

Эътибор ҳар қандай ҳадикни енгишга қодир. Айни кунда вилоятдаги сафдошларимиз фаолиятига, партиямиздан депутатликка кўрсатилган номзодлар тарғиботларига айни мезон куч бўлиб хизмат қилаётир.

Равшанбек АБДУРАҲИМОВ,
O'zLiDeP Андижон вилоят Кенгаши бўлим мудири

УШБУ СОНДА:

"УЙҒОҚ ВИЖДОН, УЙҒОҚ ФИКР КЕРАК" 8

ПОЙДЕВОР МУСТАҲКАМ, ҲУҚУҚЛАР КАФОЛАТЛАНГАН 10

"Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият гуллаб-яшнайди" тамойилини амалга ошириш учун ҳеч қачон кеч бўлмайди, деб ҳисоблайман. Таълим-тарбиядаги ютуқ ва хатолар бевосита ва билвосита муҳитга боғлиқ. Оила институтини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш лозим.

AJ O'ZBEKISTON TEMIR YO'LLARI
AJ "O'ZTEMIRYO'LYO'LOVCHI"

AO "O'ZTEMIRYO'LYO'LOVCHI"

29.10.2019-yildan boshlab "O'zbekiston temir yo'llari" AJ tomonidan "Miskin – Nukus – Beynau" yo'nalishida yo'lovchi poyezdining harakati yo'lga qo'yildi. Yo'lovchilarga qulaylik yaratish maqsadida ushbu poyezd har kuni respublikamiz va chet el fuqarolariga bir shahardan boshqasiga muammosiz borish imkonini beradi. Shu bilan birga, mazkur poyezd quyidagi stansiyalarda to'xtaydi: "Nazarxon", "Kaybakli", "Karaozek", "Baday", "Beruniy", "Ellikqal'a", "To'rtko'l".

29.10.2019 года, АО "Узбекистон темир йуллари" запустило пассажирский поезд по новому направлению "Мискин – Нукус – Бейнау".
Для удобства и комфорта пассажиров данный поезд будет курсировать ежедневно, что позволит гражданам нашей республики и гражданам из зарубежья без проблем добираться из одного города в другой. При этом, данный поезд останавливается на следущих станциях: "Назархан", "Кайбаклы", "Караозек", "Бадай", "Беруний", "Элликалъа", "Турткуль".

Реклама

Тошкент (Марказий) – 1005. Тошкент (Жанубий) – 71-236-45-20. www RAILWAY.UZ UZRAILPASS Ишонч телефони: 71 299 94 50

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига O‘zLiDePдан кўрсатилган номзодлар

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ



Махмуд Тоштемирович БАПИЛОВ

1966 йилда Навоий вилояти Хатирчи туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1993 йилда Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтини тамомлаган. Ихтисослиги – муҳандис-технолог. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1986 йилда Кармана тумани “Навоийсут” ишлаб чиқариш жамияти ишчиси вазифасидан бошлаган. 1987–1997 йилларда ушбу жамиятда смена устаси, цех бошлиғи, 1997–1999 йилларда Навоий шаҳар “Сарбон” автокорхонасида директор ўринбосари, 1999–2002 йилларда Кармана тумани “Карманасут” ишлаб чиқариш корхонаси директори, 2002-2003 йилларда “Навоий нон заводи” акциядорлик жамияти раиси лавозимида ишлаган.

2003 йилдан Кармана тумани “Карманасут” ишлаб чиқариш корхонаси директори лавозимида фаолият юритиб келмоқда.



Фозил Инотович ЁДГОРОВ

1966 йилда Навоий вилояти Нурота туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1991 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини тамомлаган. Ихтисослиги – зоомуҳандис қоракўлшунос. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1983 йилда Нурота тумани Ф.Хўжаев номидаги давлат хўжалигида ишчи сифатида бошлаган. 1985–1987 йилларда ҳарбий хизматни ўтаган. 1991–2010 йилларда Нурота тумани Ф.Хўжаев номидаги ширкат хўжалигида зоомуҳандис, Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалигида ишчи, бош зоомуҳандис, 2-гуруҳ бошлиғи, бошқарув раиси лавозимида ишлаган.

2010–2017 йилларда Нурота тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи, 2017-2018 йилларда Нурота туман ҳокимининг ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

2018 йилдан Нурота туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари лавозимида фаолият юритиб келмоқда.



Дилшод Муродуллаевич ОЧИЛОВ

1976 йилда Навоий вилояти Қизилтепа туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2004 йилда Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноати институти, 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясини тамомлаган. Ихтисослиги – иқтисодчи, давлат молиясини бошқариш. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1996 йилда Қизилтепа туман ҳокимлиги молия бўлими иқтисодчиси вазифасидан бошлаган. 1999 йилда бўлим бош мутахассиси, 2003–2012 йилларда Навоий вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси бош ҳисобчи ўринбосари, бош ҳисобчиси, бўлим бошлиғи, 2012–2014 йилларда Қизилтепа тумани молия бўлими мудири, 2014–2017 йилларда Учқудуқ туман ҳокимининг ўринбосари лавозимида ишлаган.

2017 йилдан Навоий вилояти ҳокимлиги молия бош бошқармаси бошлиғи лавозимида фаолият юритиб келмоқда.



Акшагул Абуевна ТУЛЕГЕНОВА

1964 йилда Навоий вилоятида туғилган. Миллати – қозоқ. Маълумоти – олий. 1994 йилда Ал-Форобий номидаги Қозоқ давлат университетини тамомлаган. 2013 йилда вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида тарих фанини ўқитиш бўйича қайта тайёрлов курсини тугатган. Ихтисослиги – журналист, тарих фани ўқитувчиси. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1984 йилда Конимех туманидаги 5-мактабда болалар етакчиси вазифасидан бошлаган. 1986–1988 йилларда тумандаги Сарибел ширкат хўжалигида директор ўринбосари, 1988–1995 йилларда тумандаги 25-мактабда қозоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, 1995–2011 йилларда туман халқ таълими бўлимида қозоқ тили фани услубчиси, бўлим бошлиғи лавозимида ишлаган.

2011 йилдан Конимех туман халқ таълими бўлимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича мутахассис лавозимида фаолият юритиб келмоқда. Жамоатчилик асосида тумандаги қозоқ миллий-маданий маркази раҳбари.

У “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси” кўкрак нишони, “Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил” эсдалик нишони ва “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланган.



Марҳабо Эргашбоевна ЮЛДАШЕВА

1976 йилда Навоий вилояти Конимех туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2000 йилда Бухоро давлат тиббиёт институтини тамомлаган. Ихтисослиги – шифокор-невролог. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 2002 йилда “Навоийазот” очиқ акциядорлик жамияти 61-цех шифокор-неврологи вазифасидан бошлаган. 2015 йилдан “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси Навоий вилояти ҳудудий филиали директори лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

У “Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил” эсдалик нишони, Мудофаа вазирлигининг “Намунали хизматлари учун”, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси” кўкрак нишонлари билан тақдирланган.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ



Нуриддин Абдухамидович СУЛТОНОВ

1982 йилда Наманган вилояти Чуст туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2006 йилда Ўзбекистон Миллий университетини тамомлаган. Ихтисослиги – геодезия, картография ва кадастр. O‘zLiDep аъзоси. Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 2006 йилда “Ергеодезкадастр” тасарруфидаги “Геоинформкадастр” давлат унитар корхонасининг давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш хизматида муҳандис лавозимидан бошлаган. 2012-2013 йилларда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш бўлимида бош мутахассис, бўлим бошлиғи, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси тизимидаги Наманган вилояти Чуст тумани Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи, 2013–2018 йилларда қўмитанинг Давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш бўлимида бош мутахассис, бўлим бошлиғи лавозимида ишлаган.

2018 йилдан қўмитанинг Давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.



Барно Қосимбоевна МИРЗАМОВА

1975 йилда Наманган вилояти Уйчи туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2008 йилда Наманган муҳандислик педагогика институтини тамомлаган. Ихтисослиги – менежмент. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Бир нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1994 йилда Уйчи туманидаги “Қизилровот” тажриба хўжалигида ёрдамчи ҳисобчиликдан бошлаган. 1995–2006 йилларда “Қизилровот” тажриба хўжалиги ҳисобчиси, 2006–2008 йилларда Уйчи туманидаги “Уйчи обод замини”, “Ойдина Маржона Моҳидил” фермер хўжаликлари раҳбари, 2008-2009 йилларда Уйчи туманидаги “Қизилровот оқиоми файзли” муқобил машина-трактор парки раиси, 2009–2012 йилларда “Қизилровот ирригатор” сувдан фойдаланувчилар уюшмаси раиси, 2017–2019 йилларда Наманган илмий тажриба станциясининг Қизилровот бўлими бошлиғи лавозимларида ишлаган.

2006 йилдан “Уйчи обод замини” фермер хўжалиги раҳбари лавозимида фаолият юритиб келмоқда.



Улугбек Ғолибжонович РУСТАМОВ

1981 йилда Наманган вилояти Чуст шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2002 йилда Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институтини (бакалавр), 2004 йилда Тошкент молия институтини тамомлаган. Ихтисослиги – молиячи. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 2005 йилда Наманган вилояти молия бошқармасида етакчи иқтисодчи сифатида бошлаган. 2007–2011 йилларда бошқарманинг бюджет ижроси ҳисоби ва ҳисоботи бўлими бошлиғи – бош ҳисобчи лавозимида ишлаган. 2011-2012 йилларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳудудлар молияси бош бошқармасида амалиёт ўтаган.

2017 йилдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги давлат бюджети бош бошқармасининг давлат бюджети ижроси ҳисоботини шакллантириш, кредит линиялари ва бюджет ссудалари ҳолатини мониторинг қилиш бўлими бошлиғи (бош бухгалтер) лавозимида фаолият юритиб келмоқда.



Бахтиёр Мухаммадович ВОХИДОВ

1975 йилда Наманган вилояти Наманган шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1997 йилда Наманган саноат-технология институтини, 2005 йилда Наманган давлат университетини тамомлаган. Ихтисослиги – муҳандис-дастурчи, ҳуқуқшунос. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1997 йилда Наманган шаҳар Статистика ва ҳисоблаш марказида мутахассис вазифасидан бошлаган. 1998–2012 йилларда шаҳар ҳокимлигининг “Иқтисодстат” бошқармасида мутахассис, 1-тоифали мутахассис, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бўлим бошлиғи, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси бошлиғи, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори, 2012–2017 йилларда Наманган вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасида бошлиқ ўринбосари, “Ўзагросуғурта” ДАСК Наманган вилоят дирекцияси директори, Наманган вилоят Бандлик бош бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаган.

2018 йилдан фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Наманган вилоят ҳудудий вакили вазифасида ишлаб келмоқда.



Нигора Махмудовна АХМАДЖАНОВА

1975 йилда Наманган вилояти Чортоқ туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1996 йилда Наманган давлат университетини тамомлаган. Ихтисослиги – педагогика-психология. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1996 йилда Чортоқ туманидаги 42-умумий ўрта таълим мактабида ўқитувчиликдан бошлаган. 2001–2008 йилларда Чортоқ тумани педагогика касб-ҳунар коллежи махсус фан ўқитувчиси, 2008–2012 йилларда Чортоқ шаҳридаги 17-мактабгача таълим ташкилоти директори лавозимларида ишлаган. 2012 йилдан Чортоқ туманидаги 17-мактабгача таълим ташкилоти мудири вазифасида фаолият кўрсатмоқда.



Ёдгорбек Авазбекович ЖУРАЕВ

1988 йилда Наманган вилояти Янгиқўрғон туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2010 йилда Наманган муҳандислик-педагогика институтини тамомлаган. Ихтисослиги – менежмент. 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчиси бўлган. Давлат бошқаруви магистри даражасига эга. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 2010 йилда Наманган вилоят ҳокимлигининг Иқтисодиёт бош бошқармаси агросаноат комплексини ривожлантириш бўлими 1-тоифали мутахассиси вазифасидан бошлаган. 2013–2015 йилларда Наманган вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси вилоятни комплекс ривожлантириш прогнозлари ва мониторинги йиғма бўлими бошлиғи, 2015–2017 йилларда Наманган вилояти ҳокимлигининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармаси қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи, 2017–2019 йилларда Наманган вилояти Иқтисодиёт ва саноат бош бошқармаси қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи лавозимларида ишлаган.

2019 йилдан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг Аграр секторини таркибий ўзгартириш бошқармаси бош мутахассиси лавозимида ишлаб келмоқда.



Наргиза Махамадалиевна МАДАЛИЕВА

1980 йилда Наманган вилояти Учқўрғон шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2004 йилда Наманган давлат университетини тамомлаган. Ихтисослиги – мусиқий таълим ва эстетик тарбия мутахассиси. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Бир нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 2004 йилда Учқўрғон туманидаги 43-ихтисослаштирилган мактаб-интернат психологи сифатида бошлаган. 2008–2011 йилларда Учқўрғон педагогика коллежи эстетика фани ўқитувчиси, 2011-2012 йилларда Учқўрғон педагогика коллежи ўқув ишлари бўйича бўлим бошлиғи, 2012–2018 йилларда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Учқўрғон туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари – аппарат раҳбари лавозимларида ишлаган.

2018 йилдан Наманган вилояти Учқўрғон тумани 19-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори вазифасида фаолият юритмоқда.



Мохинисса Улкановна МАРИПОВА

1968 йилда Наманган вилояти Поп туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1991 йилда Андижон давлат тиббиёт институтини тамомлаган. Ихтисослиги – врач-терапевт. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1991 йилда Наманган вилояти кўп тармоқли шифохонасида интернатура сифатида бошлаган. 1992–1997 йилларда Поп туман марказий шифохонаси болалар бўлими терапевти, 1997–2000 йилларда Андижон вилояти Хонобод марказий шифохонасига қарашли 2-поликлиникада врач-терапевт, 2001–2011 йилларда Поп туманидаги М.Соҳибова номли “Мурувват” ногиронлиги бўлган эркаклар интернат уйида врач-терапевт, 2011–2015 йилларда ушбу интернат уйида директорнинг тиббий ишлар бўйича ўринбосари лавозимларида ишлаган.

2015 йилдан Поп туманидаги “Мурувват” ногиронлиги бўлган эркаклар интернат уйи директори лавозимида фаолият юритмоқда.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ



Фируза Рашидовна ДЖАЛАЛОВА

1974 йилда Наманган вилояти Наманган шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1996 йилда Наманган давлат университетини тамомлаган. Ихтисослиги – рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1993 йилда Наманган шаҳар 19-умумий ўрта таълим мактабида ўқитувчиликдан бошлаган. 2002-2003 йилларда Наманган шаҳар 19-умумий ўрта таълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, 2003–2008 йилларда Наманган шаҳар ҳокимлигининг хотин-қизлар масалалари котибияти бош мутахассиси, 2008–2010 йилларда Наманган шаҳар 48-умумий ўрта таълим мактаби директори, 2010–2012 йилларда Наманган шаҳар 70-умумий ўрта таълим мактаби директори, 2012–2016 йилларда Наманган шаҳар ҳокимининг ўринбосари – хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимларида ишлаган.

2016 йилдан Наманган шаҳар 60-умумий ўрта таълим мактаби директори лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.



Сардорбек Мунибиллаевич ҒИЁСОВ

1990 йилда Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2012 йилда Наманган давлат университетини тамомлаган. Ихтисослиги – тарихчи-педагог. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Бир нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 2012 йилда Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги 13-давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатида тарих фани ўқитувчиси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилот етакчиси вазифасидан бошлаган. 2014–2017 йилларда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Мингбулоқ туман кенгаши раиси, 2017–2019 йилларда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Мингбулоқ туман кенгаши раиси лавозимларида ишлаган. 2019 йилдан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Наманган вилоят кенгаши раисининг ўринбосари сифатида фаолият юритиб келмоқда. 2014 йилда Наманган вилояти Мингбулоқ тумани “2-Бирлашган” сайлов округидан туман кенгашига депутат этиб сайланган.



Зафар Рахимович ХУДАЙБЕРДИЕВ

1968 йилда Наманган вилояти Норин туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1992 йилда Тошкент давлат аграр университетини, 1997 йилда Ўзбекистон Миллий университетининг аспирантурасини тамомлаган. Ихтисослиги – иқтисодчи-ташкилотчи, иқтисодиёт назарияси мутахассиси. Иқтисод фанлари номзоди, доцент. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1992 йилда Норин тумани агросаноат уюшмасида катта иқтисодчи сифатида бошлаган. 1992–2011 йилларда Норин туманидаги А.Шамсиддинов номли жамоа хўжалигида бош иқтисодчи, “Иқтисодстат” бош бошқармасида мутахассис, бўлим бошлиғи, Наманган вилояти ҳокимлиги бош бошқарма бошлиғи ўринбосари, Наманган давлат университетида проректор, кафедра мудири, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Наманган минтақавий ахборот-таҳлил марказида бош илмий ходим ва Наманган давлат университети доценти вазифаларида ишлаган. 2011 йилдан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Наманган вилояти ҳудудий бўлинмаси раҳбари лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.



Муяссархон Низомжоновна НАБИЕВА

1971 йилда Наманган вилояти Поп туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1993 йилда Наманган давлат педагогика университетини тамомлаган. Ихтисослиги – рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1987 йилда Поп тумани 16-умумий ўрта таълим мактабида етакчиликдан бошлаган. 1988–1993 йилларда Наманган давлат университети талабаси, 1993–2006 йилларда Наманган туман халқ таълимига қарашли 19-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, 2006–2010 йилларда Наманган туман халқ таълими бўлимида давлат таълим стандарти мониторинги бўлими раҳбари, 2010–2018 йилларда Наманган туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими қошидаги “Васийлик ва ҳомийлик” органи мутахассиси, Наманган тумани ҳокимлиги ҳузуридаги “Оила маркази” раҳбари.

2018 йилдан Наманган тумани халқ таълими бўлимига қарашли 39-умумий ўрта таълим мактаби директори лавозимида ишлаб келмоқда.



Динора Исаковна ЯКУБОВА

1970 йилда Фарғона вилояти Фарғона шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1994 йилда Наманган давлат педагогика институтини тамомлаган. Ихтисослиги – техника фанлари ва меҳнат мутахассиси. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1987 йилда Косонсой туман 2-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси сифатида бошлаган. 1990–1999 йилларда Косонсой туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабида физика фани ўқитувчиси, 1999–2004 йилларда тумандаги 12-умумий ўрта таълим мактабида физика фани ўқитувчиси, 2004–2006 йилларда туман енгил саноат касб-ҳунар коллежи методисти, 2006–2012 йилларда туман педагогика ва сервис касб-ҳунар коллежида директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, 2012–2017 йилларда Наманган муҳандислик-технология институти қошидаги 2-академик лицей директори лавозимларида ишлаган.

2017 йилдан Косонсой туман мактабгача таълим бўлими мудири вазифасида фаолият юритмоқда.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ



Адхам Хурсанбаевич ШАДМАНОВ

1965 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1989 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини, 2001 йилда Самарқанд давлат университетини тамомлаган. Ихтисослиги – иқтисодчи, бухгалтер, ҳуқуқшунос. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1987 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат агросаноат қўмитаси Республика бош ахборот ҳисоблаш марказининг Самарқанд бўлимида катта техник вазифасидан бошлаган. 1989–1998 йилларда Самарқанд вилояти халқ хўжалиги тармоқларининг турли лавозимларида, 1998–2005 йилларда Давлат мулки қўмитасининг масъул раҳбарлик лавозимларида, O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши ижроия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаган. 2005 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қўмита раисининг ўринбосари лавозимларида ишлаган. 2015 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси, 2018 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O‘zLiDeP фракцияси раҳбари вазифасини бажарувчи сифатида фаолият юритмоқда.



Дилфуза Жамолхоновна ХУСАНОВА

1971 йилда Самарқанд вилояти Оқдарё туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1994 йилда Самарқанд давлат университетини тамомлаган. Ихтисослиги – кимё фани ўқитувчиси. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Икки нафар фарзанди бор. Меҳнат фаолиятини 1991–2000 йилларда Самарқанд давлат университети кимё факультетининг анорганик кимё кафедрасида катта лаборант вазифасидан бошлаган.

2000–2010 йилларда Самарқанд шаҳридаги 17-умумий ўрта таълим мактабида кимё фани ўқитувчиси, 2010–2015 йилларда Самарқанд шаҳридаги 17-умумий ўрта таълим мактабида директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари вазифаларида ишлаган. 2015 йилдан Самарқанд шаҳридаги 17-умумий ўрта таълим мактаби директори лавозимида фаолият юритмоқда.



Эркин Тагирович САЛИХОВ

1972 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1994 йилда Тошкент давлат университетини, 1997 йилда Тошкент давлат иқтисодиёт университетини, 2003 йилда Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактабини тамомлаган. Ихтисослиги – биолог, божхона иши, тизимли таҳлил ва истиқболни белгилаш. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1994 йилда Тошкент шаҳар божхона хизматида мутахассис сифатида бошлаб, божхона органларида турли лавозимларда хизмат қилган. 2003–2011 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг аппаратида етакчи консультант, бош консультант, котиб ўринбосари лавозимларида ишлаган. 2011 йилдан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтини бошқарган. 2017–2019 йилларда Давлат божхона қўмитасининг Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаган.

2019 йилдан Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Тармоқ бозорлари ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш тадқиқотлари маркази директори ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда. 2006 йилда “Шуҳрат” медали билан тақдирланган.



Зарифа Абдусаламовна ЮСУПОВА

1968 йилда Самарқанд вилояти Пайариқ туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1991 йилда Самарқанд давлат университетини тамомлаган. Ихтисослиги – филолог-ўқитувчи. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1990 йилда Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги 55-умумтаълим мактабида гуруҳ тарбиячиси вазифасидан бошлаган. 1991–1999 йилларда Жомбой туманидаги 46-умумтаълим мактабида она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, 1999–2003 йилларда Жомбой туманидаги болалар ижодиёт марказида илмий бўлим мудири, тумандаги “Сувоқова” ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлим бошлиғи, 2003–2006 йилларда Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 240-мактабда она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, 2006–2010 йилларда Жомбой туманидаги 40-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабида директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, 2010–2018 йилларда тумандаги 56-ихтисослаштирилган мактаб директори, 2018–2019 йилларда “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази Жомбой тумани бош мутахассиси вазифаларида ишлаган. 2019 йилнинг октябрь ойидан Жомбой туман хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимида фаолият юритмоқда.



Дилфуза Облақуловна МАМАДИЯРОВА

1975 йилда Самарқанд вилояти Булунғур туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1995 йилда Самарқанд кооператив коллежини, 2006 йилда Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологиялари институтини тамомлаган. Ихтисослиги – касб таълими, иқтисодиёт.

O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор. Меҳнат фаолиятини 1996 йилда Оқдарё тумани “Оқдарё” футбол клубида иш юритувчи вазифасидан бошлаган.

1997–2006 йилларда Оқдарё бизнес мактабида махсус фан ўқитувчиси, 2006–2012 йилларда Оқдарё политехника касб-ҳунар коллежида директорнинг касбий таълим бўйича ўринбосари лавозимида ишлаган. 2013 йилдан Оқдарё политехника касб-ҳунар коллежи директори лавозимида фаолият юритмоқда.



Норбой Алибаевич ЖЎЛМАТОВ

1971 йилда Навоий вилояти Нурота туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2007 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини тамомлаган. Ихтисослиги – иқтисодчи. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Беш нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1991 йилда Самарқанд вилоят ҳунар-техника таълими бошқармасига қарашли Самарқанд шаҳридаги 3-ўрта ҳунар-техника билим юртида хўжалик ишлари мудири вазифасидан бошлаган. 1992–1995 йилларда Самарқанд шаҳридаги 23-ўрта ҳунар-техника билим юртида ҳисобчи ёрдамчиси, бош ҳисобчи в.в.б., шаҳардаги 33-ҳунар-техника билим юртида бош ҳисобчи, 1995–2002 йилларда Самарқанд давлат меъморчилик қурилиши олийгоҳи ҳузуридаги бизнес-мактабда бош ҳисобчи, Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ҳудудий бўлимида бош мутахассис, 2002–2019 йилларда Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Самарқанд вилоят бошқармасида турли масъулиятли лавозимларда ишлаган. 2019 йил март ойидан Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи лавозимида фаолият юритмоқда.



Кобил Гуламович БЕРДИКУЛОВ

1982 йилда Самарқанд вилояти Иштихон тумани туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2003 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтини тамомлаган. Ихтисослиги – бухгалтерия ҳисоби ва аудит. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1998 йилда Иштихон тумани меҳнат бўлими қошидаги ёрдамчи хўжаликда ишчи сифатида бошлаган. 2003–2005 йилларда Тошкент вилояти статистика бошқармасида етакчи мутахассис, бўлим бошлиғи ўринбосари, 2005–2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бошқармаси бош мутахассиси, бошқарма бошлиғи ўринбосари, кичик тадбиркорлик статистикаси бошқармаси бошлиғи ўринбосари, бошқарма бошлиғи, тадбиркорлик ва банк-молия хизматлари статистикаси бошқармаси бошлиғи, хизматлар соҳаси статистикаси бошқармаси бошлиғи лавозимларида ишлаган. 2019 йилдан Давлат статистика қўмитаси демография ва меҳнат статистикаси бошқармаси бошлиғи лавозимида фаолият юритмоқда.



Дилдора Маликовна МЕЛИКУЛОВА

1973 йилда Самарқанд вилояти Самарқанд туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1995 йилда Самарқанд давлат университетини тамомлаган. Ихтисослиги – рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1995 йилда Каттақўрғон туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабида рус тили фани ўқитувчилигидан бошлаган. 1996–2003 йилларда Каттақўрғон туманидаги 96-умумий ўрта таълим мактабида директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, 2003–2008 йилларда Каттақўрғон туман Тил ўргатиш маркази директори лавозимларида ишлаган. 2008 йилдан Каттақўрғон туманидаги 62-умумий ўрта таълим мактаби директори лавозимида фаолият юритмоқда.

O‘zLiDeРдан кўрсатилган номзодларга овоз беринг!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ



Вахобжон Абдуганиевич МУРАТКАБИЛОВ

1974 йилда Самарқанд вилоятида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1997 йилда Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтини тамомлаган. Ихтисослиги – саноат-фуқаро қурилиши. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1994 йилда “Ўзсаноатқурилишбанк” АК ғазначиси вазифасидан бошлаган. 1995–1997 йилларда ушбу банкда тафтишчи-ҳисобчи, 1997–2006 йилларда “Пастдарғомгаз” идорасида ғазначи, бош иқтисодчи, бош ҳисобчи, 2006–2008 йилларда Самарқанд вилояти иқтисодиёт бош бошқармасида етакчи мутахассис, гуруҳ раҳбари, бўлим бошлиғи, 2008–2012 йилларда вилоят ҳокимлиги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компаниясида бош мутахассис, бўлим бошлиғи, 2012–2017 йилларда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси етакчи мутахассиси, бош мутахассиси, 2017-2018 йилларда Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси директори ўринбосари, директори в.в.б., Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигида бошқарма бошлиғи лавозимларида ишлаган. 2018 йилдан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК бош директори лавозимида фаолият юритмоқда.



Наргиза Куватовна КЕНЖАЕВА

1979 йилда Самарқанд вилояти Пахтачи туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2003 йилда Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институтини тамомлаган. 2006 йилда Тошкент тиббиёт академиясини битирган. Ихтисослиги – врач-нарколог. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 2006 йилда Самарқанд вилояти наркология диспансерида врач-нарколог вазифасидан бошлаган. 2006–2013 йилларда Самарқанд вилояти наркология диспансери амбулатория бўлими врач-наркологи, 2013-2014 йилларда мазкур диспансерда ташкилий-услубий масалалар бўйича масъул ходим, 2014–2018 йилларда Самарқанд вилоят наркология диспансери амбулатория бўлими мудири лавозимида ишлаган. 2018 йилдан Самарқанд вилояти наркология диспансери бош шифокори лавозимида фаолият юритмоқда.



Дилавар Абдуғаффаровна АМИРОВА

1976 йилда Самарқанд вилояти Нурота туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1998 йилда Самарқанд давлат университетини тамомлаган. Ихтисослиги – филолог, ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1999 йилда Нуробод туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабида она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси лавозимидан бошлаган.

2016-2017 йиллар мобайнида Нуробод туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактаби директори, 2017 йилдан Нуробод туман мактабгача таълим бўлими мудири лавозимида фаолият юритиб келмоқда.



Мархабо Тураевна ЧУЛИЕВА

1980 йилда Самарқанд вилояти Пастдарғом туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2008 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини тамомлаган. Ихтисослиги – касбий таълим (агрономия), умумий деҳқончилик. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Бир нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 2008 йилда Пастдарғом агросаноат касб-ҳунар коллежида ўқитувчиликдан бошлаган. 2008–2011 йилларда Пастдарғом агросаноат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси, кафедра мудири лавозимларида фаолият юритган. 2010 йилдан O‘zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги роли ва мавқеини ошириш бўлими мудири вазифасида ишлаб келмоқда.



Абдулло Убайдуллоевич АСЛОНОВ

1984 йилда Самарқанд вилояти Самарқанд туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2003–2009 йилларда Буюк Британиянинг Regent London институтида, Kings Institute ҳамда Marlborough College of Businnes and Technology олий ўқув юртида таҳсил олган. 2014 йилда Самарқанд давлат чет тиллар институтини тамомлаган. Ихтисослиги – филолог. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 2010 йилда “Камолот” ЁИҲ Самарқанд вилоят кенгаши қошидаги ёшлар ижтимоий хизматлари марказининг ёшлар туризми тўгараги раҳбари вазифасидан бошлаган. 2012–2017 йилларда “Камолот” ЁИҲ Самарқанд вилоят кенгашида етакчи мутахассис, бўлим мудири, 2014-2015 йилларда “Камолот” ЁИҲ марказий кенгаши аппаратида бош мутахассис, 2015 йилда “Камолот” ЁИҲ Навоий вилоят кенгаши раиси вазифасини вақтинча бажарувчи, 2015–2017 йилларда “Камолот” ЁИҲ Самарқанд вилоят кенгаши раиси, 2017-2018 йилларда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши аппарати бўлим мудири вазифаларида ишлаган. 2018 йилдан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Самарқанд вилоят кенгаши раиси лавозимида фаолият юритиб келмоқда.



Юлдуз Хамракуловна АБДУРАХМАНОВА

1973 йилда Самарқанд вилояти Тойлоқ туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1995 йилда Самарқанд давлат университетини тамомлаган. Ихтисослиги – география фани ўқитувчиси. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1996 йилда Тойлоқ туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабида ўқитувчиликдан бошлаган. 1997–2000 йилларда Самарқанд давлат университетида аспирантурада таҳсил олган. 2000–2004 йилларда Самарқанд давлат университети регионал табиий география кафедраси ассистенти сифатида фаолият кўрсатган.

2004 йилдан Самарқанд вилояти Тойлоқ туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактаби директори лавозимида ишлаб келмоқда.



Ғайрат Эргашевич АБДИЕВ

1983 йилда Самарқанд вилояти Ургут туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2004 йилда Самарқанд давлат университетини тамомлаган. Ихтисослиги – тарих фани ўқитувчиси. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Таълим-тарбия соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, Таълим тўғрисидаги кодексни ишлаб чиқиш орқали ўқув муассасаларини молиялаштириш, фаолиятини баҳолаш методологияларини жорий этиш, олий таълимда молиявий мустақилликни белгилаб берувчи қоидаларни жорий қилиш, ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб этиш масалаларидаги мавжуд камчилик ва муаммолар ечимига эришилади.

Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш зарур. Бу билан амалиётга илмий ва инновацион ютуқларнинг жорий этилишига эришамиз. Давлат-хусусий шерикчилиги, бизнес жамоалар ҳамда тадқиқот ва академик марказлар, муассасалар шерикчилиги бизга қандай имконият беради? Аслида, жамиятнинг тараққиётга эришишида инновацияларнинг ўрни катта. Айтайлик, замонавий ривожланишдан оқсаётган бирор соҳанинг оғриқли нуқтасига ким малҳам қўяди? Албатта, салоҳиятли, дунёқараши кенг, ташаббускор мутахассислар-да! Юксак билимли кадргина соҳада янгилик, ўсиш қила олади. Бундай маррага етишда айни марказлар ҳамкорлиги жуда муҳим.

“Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият гуллаб-яшнайди” тамойилини амалга ошириш учун ҳеч қачон кеч бўлмайди, деб ҳисоблайман. Таълим-тарбиядаги ютуқ ва хатолар бевосита ва билвосита муҳитга боғлиқ. Оила институтини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш лозим. Бунда аҳолини, аввало, ёш оилаларни арзон ва замонавий уй-жой билан таъминлаш, яшаш манзили атрофида иш ва таълим масканларини бунёд қилиш, коммунал-маиший хизматлар, тоза ичимлик суви, электр энергиясига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш, бу борада ишончли тежамкор технологиялардан фойдаланиш имкониятини янада кучайтириш, соҳада хусусий секторни ривожлантириш жоиз. Оилада муаммо қанчалик бартараф қилинса, фарзандлар камоли шунчалик ютуқлар билан уйғун келади.

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда хотин-қизлар ҳиссасини илғаш қийин эмас. Сайловолди дастуримни ишлаб чиқишда мазкур мезонга алоҳида эътибор қаратишга ҳаракат қилдим. Юрт равнақи, халқ фаровонлиги ва инновацион лойиҳаларни яратишда сафдошларимизнинг ўрни беқиёс. Фаол тадбиркор, фермер хотин-қизлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, илғор тажрибаларини оммалаштириш бутун жамиятимиз манфаатларига хизмат қилиши шубҳасиз.


Бу майдон “мен” деб эмас, “халқим” деб яшаганни, ёнганни юзага чиқаради. Юрак уриб тургани билан – ёнмаса, элга қайишмаса, бундан не наф?! Эртага сайловларда олов қалблар сараланади. “Халқимга камарбаста бўлсам, корига ярасам, шунинг ўзи яшамоқлик маёғимдир”, деган Умидахон Зокирова сайловчиларга баландпарвоз ваъдалар бермаяпти, балки одамларнинг ишончи кўнглидаги улкан мақсадлари, эзгу ғояларини амалга оширишда катта куч бўлишини билдиряпти. Уйғоқ виждон, уйғоқ фикр билан олдинга интиляпти.

Зилола РАҲМОНОВА,
“XXI asr” мухбири

Реклама

Тошкент шаҳридаги
“Yoqubjon barokat” МЧЖ

Мустақиллик йилларида эришилган ютуқларимиз гарови –
Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллиги
билан юртдошларимизни чин юракдан муборакбод этади!
Яратганнинг ўзи юртимизни бало-қазолардан асрасин,
эзгу ишларимизда доимо мададкор бўлсин!







Хизматлар лицензияланган.

Тошкент вилояти Чиноз туманидаги
“Erkin qurilish baraka”
хусусий корхонаси

Мамлакатимиз аҳлини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллиги билан чин юракдан табриклайди! Фаолиятингизда янги ютуқлар ва ёркин ғоялар ҳамроҳингиз бўлсин! Умрингизга умр, рўзғорингизга қут-барака тилаймиз!




Хизматлар лицензияланган.

RTM
Самарқанд шаҳридаги
“Registon turizm markazi” МЧЖ



Яқинлашиб келаётган улуғ айём – Асосий қонунимиз қабул қилинганининг 27 йиллик байрами билан барча юртдошларимизни чин дилдан табриклайди. Хонадонларингиздан файз-барака аримасин, ишларингизда улкан зафарлар ёр бўлсин!






Хизматлар лицензияланган.

Реклама ҳуқуқида

“ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК” КРЕДИТЛАРИ тараққиётга хизмат қилмоқда

Бухоро вилоятида мазкур банк филиаллари фаолияти билан бевосита танишган журналистлар бунга яна бир бора ишонч ҳосил қилишди.



Ислоҳотларнинг янги босқичида пул-кредит муносабатларини оқилона ташкил этиш, мижозларга кўрсатилаётган хизматлар сифати ва маданиятини ошириш алоҳида аҳамиятга эга. Акциядорлик-тижорат “Қишлоқ қурилиш банк” ана шундан келиб чиқиб, ўз фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, юртдошларимизга ўз фаолияти бўйича муфассалроқ маълумот етказиш мақсадида оммавий ахборот воситалари билан тизимли ҳамкорликни амалга оширмоқда. Яқинда банк томонидан журналистлар учун Бухоро вилоятига пресс-тур ташкил қилинди. Унда республикамиздаги етакчи оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.



Бугунги кунда вилоятда “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Бухоро минтақавий филиали, Когон ва Галаосиё филиаллари, Когон, Қоракўл, Жондор, Шофиркон, Ғиждувон минибанклари фаолият кўрсатмоқда. Улар орқали 74214 нафар мижозга хизматлар кўрсатилмоқда.

Бухоро минтақавий филиалида ташкил қилинган тақдимот тадбирида банк тузилмалари эришаётган иқтисодий кўрсаткичлар ҳақида маълумот берилди, хизматлар кўлами ва банк мижозлари сони муттасил кенгайиб бораётгани таъкидланди. Масалан, 2019 йилнинг ўтган ўн ойи давомида банкнинг вилоят филиаллари томонидан жами 1 053 856 742,8 минг сўмлик кредитлар ажратилган. Уларнинг 34 414 691,2 минг сўми қисқа ва 1 019 442 051,6 минг сўми узоқ муддатли кредитлардир. Жорий йилда жисмоний шахсларга 625 390 438,9 минг сўм ва юридик шахсларга 428 466 303,9 минг сўм миқдорида кредитлар ажратилган. Берилган кредитларнинг 144 080 885,9 минг сўми саноат соҳасига, 33 368 932,3 минг сўми қишлоқ хўжалиги, 31 230 086,0 минг сўми транспорт ва алоқа, 58 435 704,6 минг сўми қурилиш, 84 142 323,8 минг сўми савдо ва умумий овқатланиш ҳамда 903 000 000 минг сўмдан зиёд маблағлар бошқа соҳаларга йўналтирилган.

“Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида 33 та мижозга жами 1,9 млрд. сўмлик кредитлар ажратилган. Жумладан, Когон филиали томонидан 7 та мижозга 0,95 млрд. сўм ва Галаосиё филиали томонидан 26 та мижозга 0,95 млрд. сўмга тенг сармоя берилган. Шунингдек, Президентимизнинг 2019 йил 7 мартдаги “Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ вилоят бўйича 25,5 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Бундан ташқари, банк томонидан тўғридан-тўғри хорижий кредитлар ҳисобига жами 70 та лойиҳага жами 16,2 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилган.

Пресс-тур иштирокчилари Бухоро вилоятида банк молиявий кўмагида амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар билан бевосита танишдилар. Хусусан, “Қоровулбозор нур обод” МЧЖ томонидан Қоровулбозор туманида 9 гектар ҳудудда барпо этилган замонавий иссиқхонага, “Когон меҳнат роҳат” хусусий корхонаси томонидан қурилган истироҳат боғи ва кўнгилочар-ҳордиқ чиқариш мажмуасига, “Burda Lyuks Tekstil” хусусий корхонасининг текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехига, “City Med Buxoro” МЧЖ ташкил қилган тиббий-диагностика ва даволаш марказига, “Buxoro Komfort Plast” МЧЖда пластик қувурлар ва пластик фитинглар ишлаб чиқариш цехига, “Panorama” меҳмонхонасига сафарлар уюштирилди.



“Қишлоқ қурилиш банк” молиявий кўмагида амалга татбиқ этилаётган бизнес лойиҳалар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Лойиҳа ташаббускори бўлган тадбиркорлар банк сармояси ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, замонавий технология ва ускуналар сотиб олиш, экспортбоп ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва янги иш ўринларини яратилишида муҳим ўрин тутганини билдирди.

Пресс-тур доирасида банкнинг Галаосиё филиали янги биноси фойдаланишга топширилди. Журналистлар филиалда мижозлар учун яратилган шароит ва қулайликлар билан танишди ва мижозлар билан суҳбатлашди.

Бундай пресс-турлар республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам уюштирилиши режалаштирилган.

АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”
Ахборот хизмати
Суратларни Шуҳрат РАҲИМОВ олган.

Хизматлар лицензияланган.


ТАБРИК

UNG Shurtan GKM

“Шўртан Газ Кимё мажмуаси”

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана –
Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллик
байрами билан халқимизни самимий қутлайди!
Бош қомусимиз инсон ҳуқуқ ва эркинликларини
таъминлаш, ислоҳотларни
самарали амалга
оширишнинг муҳим
кафолати эканини эътироф
этган ҳолда, барча
юртдошларимизга
сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилайди!



Барча эзгу ният ва мақсадларингиз амалга ошсин!



Хизматлар лицензияланган.

Гулқоғозлар ўзимизда ишлаб чиқариляпти

Флезилин асосида тайёрланган винил гулқоғозлар хонадон ва офисларни безатишда кенг қўлланилади. Лекин шу кунга қадар мамлакатимизда ушбу маҳсулотга бўлган талаб фақат импорт ҳисобидан қоплаб келинмоқда эди.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ташаббуси билан Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган “Pergament Quality Exclusive” корхонасига уюштирилган пресс-турда эндиликда мазкур маҳсулот ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани маълум қилинди.

– Корхонамиз флезилин асосли винил гулқоғозлар ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осиёда ягона, – дейди “Pergament Quality Exclusive” МЧЖ таъсисчиси Аваз Ғайбуллаев. – Маҳсулотларимиз сифати Европадаги ишлаб чиқарувчиларники билан бир хил, нархи эса икки баробар арзон.

Маълумотларга кўра, 2018 йили Ўзбекистон қарийб 12 миллион ўрам гулқоғозни импорт қилган. “Ўзсаноатқурилишбанк” молиявий кўмаги билан “Pergament Quality Exclusive” корхонасида йилига 2 миллион 640 минг ўрам гулқоғоз ишлаб чиқарилади.

– Бу миқдор билан чекланиб қолмаймиз, албатта, – дейди корхона таъсисчиси журналистлар билан мулоқотда. – Келгуси йилдан иккинчи линияни ишга тушириб, ишлаб чиқариш ҳажмини икки баравар ошириш ниятидамиз. Хомашёнинг 30-40 фоизини маҳаллийлаштириш, турдош қурилиш материалларини ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш устида изланяпмиз.

Корхона томонидан шу йилнинг январь – октябрь ойларида 39 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Қўшни мамлакатларга, шунингдек, Озарбойжон ва Ҳиндистонга 1,4 миллион АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилинди.

Тадбир давомида оммавий ахборот воситалари ходимлари корхонадаги ишлаб чиқариш жараёни билан танишди.

Эътиборли жиҳати, “Ўзсаноатқурилишбанк” бу йил кичик бизнес субъектлари лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга 5 триллион 306 миллиард сўм маблағ йўналтирди.

“Ўзсаноатқурилишбанк”
Ахборот хизмати

Австралияда пахта бўйича халқаро маслаҳат

Дунёнинг 30 дан зиёд давлатларидан вакиллар ташриф буюрган мазкур нуфузли анжуманда “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Искандар Искандаров, “Пахтасаноат илмий маркази” акциядорлик жамияти директори, Пахтани қайта ишлаш ва тадқиқ қилиш бўйича Осиё тармоғи раҳбари Тоҳир Кулиев иштирок этмоқда.

“Глобал етакчилик: пахта чегараларини кенгайтириш” мавзусидаги бу галги мулоқот қатнашчилари Австралия фермерлари, пахта тозалаш заводлари мутасаддилари, юк жўнатувчилари, соҳанинг таниқли маркетологлари, таҳлилчилари, брокерлари, тўқимачилик тармоғи ишлаб чиқарувчилари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берувчилари, инвестицион банклар мутахассислари билан учрашади. Шунингдек, энг илғор ғоялар ва инновациялар юзасидан фикр алмашиб, пахтачилик соҳасини жадал ривожлантиришнинг самарали йўлларини аниқлаш хусусида маслаҳатлашади.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари ялпи йиғилиш биринчи кунининг ўзида бир қанча икки томонлама музокаралар ўтказди. Пахта бўйича халқаро маслаҳат ижрочи директори Кай Хьюз, R&D Investment компанияси бош менежери Аллан Виллиамс шулар жумласидан. Муҳокамалар давомида асосий эътибор жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлган мамлакатимиз пахтасининг харид қийматини янада ошириш, салоҳиятли харидорлар ва ишончли ҳамкорларга ҳар томонлама сифатли, пишиқ-пухта толамиз бўйича тўлиқ маълумот бериш, давлат-хусусий шерикчилик тизими орқали инвестиция жалб қилишга қаратилди.



Халқаро маслаҳат қўмитаси тадбирлари 6 декабргача давом этади. Унинг якунлари ва эришилган келишувлар ҳақида батафсил хабар берилади.

“Ўзпахтасаноат”
АЖ матбуот хизмати

Реклама ҳуқуқида

Хоразмда обод масканлар кўпаймоқда

Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси буюртмасига кўра жойларда инвестиция дастурига асосан қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Мисол учун, Олмазор туманида 235 ўринли 172-мактабгача таълим ташкилоти қурилиб фойдаланишга топширилиш арафасида. Ушбу масканни замонавий технологиялар асосида бунёд этишда "Тошкент тикланиш" МЧЖ жамоаси жонбозлик кўрсатди. Шунингдек, кўҳна Хива шаҳридаги 12-мактабгача таълим ташкилоти замонавий типда реконструкция қилиниб, болажонлар ихтиёрига топширилди.



Суратда:(чапдан ўнгга) "Инфратузилмани ривожлантириш бўйича" ИК лойиҳаларни назорат қилиш бўлими ходими Мусобек Маттмуратов, мудира Гавҳар Раҳимова ва туманнинг эксплуатация бўлими ходими Неъмат Қутлимуратов.

Бундан ташқари, Урганч шаҳрининг Наврўз маҳалласидаги 280 ўринли 7-МТТ биноси инвестиция лойиҳаси асосида реконструкция қилинди. Бу ерда Алишер Хўжаев бошчилигидаги "Хоразм саноат қурилиш" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари замонавий ошхона, қишки сув ҳавзаси, иссиқлик тизими ва бошқа қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб борди. Муассаса тарбияланувчиларни қабул қилиш учун шай ҳолатда. Мебель ва жиҳозлар келтирилса, бас.

Шунингдек, Хонқа туманидаги 1-МТТда болажонлар аввал 50 ўринли 1960 йилда қурилган эски ва яроқсиз бинода таълим-тарбия олишарди. Энди унинг ўрнида икки қаватли, 150 ўринга мўлжалланган кўркам ва барча қулайликларга эга муассаса барпо этилди. Ушбу юмушни 2,5 миллиард сўмлик лойиҳа асосида



"Хоразм Шоҳназар қурилиш таъмирлаш" хусусий корхонаси жамоаси маромига етказди. Бундан ташқари, туманнинг Маданият маҳалласидаги 46-МТТ 3,4 миллиард сўм эвазига реконструкция қилиниб фойдаланишга топширилди.

Бунёдкорлик ишлари натижасида масканлар обод бўлаётгани юрт кўркига янгича қиёфа бағишламоқда. Жумладан, вилоятда жорий йилда "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" давлат дастурлари асосида қатор бинокорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Бунга вилоятнинг Янгибозор тумани мисолида ҳам гувоҳ бўлиш мумкин. Туман маркази, Наврўз, Қадрият, Маданият каби маҳаллаларда белгиланган дастурга асосан бунёдкорлик ишлари бажарилди. Жумладан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компаниясининг буюртмасига кўра туманнинг Жалолиддин Мангуберди марказий кўчасидаги маданий, маиший, маъмурий ва ижтимоий соҳа объектлари мукаммал таъмирланди.



– Аҳоли учун маданий ҳордиқ чиқариш маскани, маиший ва савдо нуқталари барпо этилди, – дейди лойиҳалар техник назоратчиси Азиз Рўзиев. – Эътиборлиси, бинокорлар ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ногиронлиги бор оилалар учун майдони икки сотихли 30 та уй-жой бунёд этиб эгаларига топширди. Бундан ташқари, инвестиция лойиҳаси асосида 13-мактаб, 21- ва 28-мактабгача таълим ташкилотлари реконструкция қилинди. Шунингдек, туман Бандликка кўмаклашиш маркази ва Ёнғинга қарши кўрашиш депоси янгидан бунёд этилиб фойдаланишга топширилди. Бўзқалъа ҳамда Оёқдўрмон қишлоқ аҳолиси учун жами 4 та тўрт қаватли, 2 ва 3 хонадан иборат арзон уй-жойлар қурилиб фойдаланишга топширилди. Ушбу замонавий ва намунавий лойиҳа асосидаги арзон уй-жойлар барпо этилишида "Шамс-СП", "Ислом Темур Бобур" ва "Уйғур тараққиёт қурилиш" хусусий корхонаси қурувчилари сидқидилдан меҳнат қилди.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
"XXI asr" мухбири

Хизматлар лицензияланган.

Реклама


Наманган вилояти Косонсой туманидаги

"Mashhur" МЧЖ



Азиз юртдошларимизни Конституциямизнинг қутлуғ байрами билан табриклаб, оилавий хотиржамлик, тинчлик-тотувлик тилаймиз.
Барчангизга фарзанду неваралар бахту камолини кўриб, ҳаётдан масрур яшаш насиб қилсин!
Халқимиздан меҳр-оқибат кўтарилмасин!





Хизматлар лицензияланган.

Реклама ҳуқуқида

Болажонлар мамнун

Наманган вилоятининг Чортоқ туманида жорий йил "Обод қишлоқ" давлат дастури асосида бир қатор бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Хусусан, туманнинг Балиққўл, Тўпқайрағоч, Боғ ва Соҳибкор қишлоқларининг белгиланган ҳудудларида ижтимоий соҳа объектлари барпо этилди, ички йўллар таъмирланди, электр, газ тармоқлари янгиланди.

Бунда моҳир бинокорларнинг салмоқли ҳиссаси бор. Масалан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси буюртмаси асосида Ойбек Маъмуров бошчилигидаги "Газ таъмир пардоз" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари Соҳибкор маҳалла аҳлига маданий ҳордиқ чиқариши учун Маданият уйи барпо этишда фидойилик кўрсатишди. Бундан ташқари, ҳудуддаги 35-мактаб биноси учун спорт зали қуриб берилди. Шу билан бирга, болажонлар учун 2,6 миллиард сўмлик лойиҳа асосида 75 ўринли 31-мактабгача таълим ташкилоти бунёд этилди.

Шунингдек, Президентимизнинг ўтган йил декабрь ойидаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра болажонларнинг таълим-тарбия олиши учун Поп туманининг Обиҳаёт маҳалласидаги 18-мактабгача таълим ташкилоти реконструкция қилинди. Ушбу 100 ўринли муассасани 2,7 миллиард сўмлик лойиҳа асосида "Абдувосит Умаров қурилиш савдо" жамоаси қурувчилари барпо этди. Ушбу мактабгача таълим ташкилотида яратилган шароит ва қулайликлардан болажонлар мамнун.



Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
"XXI аср" мухбири

Хизматлар лицензияланган.

Самарқандда халқаро инвестиция форуми

Тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, хорижлик бир ҳамкор билан учрашиш, аниқ масала бўйича музокаралар ўтказиш, унинг ишончини қозониш ва келишувга эришиш осон иш эмас. Бунинг устига, чет элга борди-келди харажатларини ҳамманинг чўнтаги кўтармайди.

Шу маънода, Самарқанд вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан "Invest in Samarkand" I халқаро инвестиция форумининг ўтказилиши юртимиздаги тадбиркорларнинг нафақат вақтини ва маблағини тежаш, балки уларни янги-янги лойиҳалар устида ишлашга ундовчи байрам бўлди, десам муболаға қилмайман.

Нуфузли анжуман доирасида вилоят маҳаллий ишлаб чиқарувчиларининг "Made in Samarkand" миллий кўргазмаси бўлиб ўтди. Умумий миқдори 1,7 миллиард АҚШ долларидан ортиқ 234 та келишув битимлари имзоланган қайд этилди.

Ҳиндистон савдо-саноат палатаси вакиллари Нарпай туманида цемент ишлаб чиқариш бўйича тузган лойиҳамизга катта қизиқиш билдиришди. У ишга тушса, 800 та янги иш ўрни яратилади. Бу каби форумлар вилоятга тўғридан-тўғри сармояларни жалб этиш салмоғини ошириш, Самарқанднинг инвестицион жозибадорлиги ва экспорт имкониятини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бахтиёр ОДИЛОВ,
"Истиқлол шуъласи"
кўп тармоқли
фермер хўжалиги раҳбари

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

Пойдевор мустаҳкам, ҳуқуқлар кафолатланган

Мустақиллигимизнинг ҳуқуқий пойдевори бўлмиш Конституциямиз қабул қилинганига бу йил йигирма етти йил тўлади. Асосий қонунимиз ўтган давр мобайнида янги демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш ҳамда фуқаролик жамиятини қарор топтириш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг қонуний замини бўлиб хизмат қилиб келмоқда.



Конституция мустақил Ўзбекистон Республикаси қарор топганини қонунлаштирди ва олий даражадаги қонун сифатида давлатимизнинг мақсадини, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тузумини, бошқарувнинг демократик принципларини, жамият ривожланишининг стратегик йўналишларини белгилаб берди. Шунингдек, унда шахснинг мустақиллиги, ҳокимиятларнинг тақсимланиши, мулкдорлик шаклларининг хилма-хиллиги, мафкуравий ранг-баранглик, ижтимоий, иқтисодий, маданий соҳалардаги демократик қадриятлар конституциявий тузумнинг принциплари сифатида тасдиқланган ва унда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган, маънавий қадриятларимиз асослари мустаҳкамлаб қўйилган. Шундай экан, Асосий қонун жамият, давлат ҳар бир фуқаро ҳаётида муҳим ўрин тутадиган ҳужжат ҳисобланиб, барча қонунларнинг қонуни, бир сўз билан айтганда қонунларнинг алифбосидир.

Ҳужжатда инсон ва давлатнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилашда инсон ҳуқуқлари устуворлиги, давлат билан фуқаронинг ўзаро сиёсий-ҳуқуқий масъуллиги принципларига асосланувчи тамомила янги концепцияга таянган бўлиб, унда илк бор инсон ҳуқуқлари категорияси конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйилган.

Шу тариқа инсон ҳуқуқларининг янги концепцияси ўзбек конституциявий қонунчилигида ўз юридик тасдиғини топган бўлиб, улар муайян принципларга таянади.

Биринчидан, инсоннинг ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлари тенглик асосида амалга оширилади. Яъни барча фуқаролар қонун ва суд олдида тенглиги; фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг тенглиги; эркаклар ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги.

Иккинчидан, Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолатланганлиги принципи. Асосий қонуннинг 2-моддасида ёзилишича, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.

Шунингдек, демократик ҳуқуқ ва эркинликлар давлат томонидан муҳофаза қилиниши алоҳида эътироф этилган: бўлмиш фуқаро фақат ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланиб қолмасдан, жамият, давлат ва бошқа фуқаролар олдида муайян мажбуриятларни ҳам ўтайди. 20-моддага кўра, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Учинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари чекланишига йўл қўйилмаслиги. Мазкур принцип инсонга туғилишидан табиатан тегишли бўлган унинг ажралмас ҳуқуқ ва эркинликлари давлат томонидан тан олинишидан келиб чиқади. Давлат фуқароларнинг конституциявий ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақат жамият ҳамда давлат хавфсизлиги нуқтаи назаридан, аҳолининг сиҳат-саломатлиги, халқнинг ахлоқи ва маънавияти, ижтимоий тартибот манфаатлари нуқтаи назаридангина қонунда белгиланган даражада чекланиши мумкин. Аммо фуқароларнинг яшаш ҳуқуқи, шахсий қадр-қимматини муҳофаза этиш ҳуқуқи, шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи, виждон эркинлиги ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи кабилар чекланиши мумкин эмас;

Тўртинчидан, фуқароларга бериладиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар бирлиги принципи. Шахс нафақат муайян ҳуқуқ ва эркинликлар эгаси, балки мажбуриятлар соҳиби ҳамдир. Турли-туман ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси путур етказмасликлари шарт.

Конституциявий ҳуқуқ мақоми тизимида сўз ва эътиқод эркинлиги муҳим ўрин тутади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини либераллаштиришга, фуқароларнинг сўз эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Лекин ҳар қандай демократик жамиятда демократиянинг бу шартлари амалдаги қонунларга асосан, ўз чегара, меъёр ва мезонларига эгадир. Масалан, фикр билдириш, сўз эркинлигини кафолатлаш билан бир қаторда урушни тарғиб қилиш, миллий ва диний адоват уйғотишни келтириб чиқарувчи тарғибот ва ташвиқот юритиш чекланади. Конституциямизнинг 29-моддасида "Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга" дейилган. Шунингдек, бу модда ўзининг қуйидагича мантиқий давомига эга: "Ҳар ким ўзи истаган ахборотни олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир".

Яна бир муҳим жиҳатларидан бири, фуқароларга берилган ижтимоий ҳуқуқларнинг қонуний мустаҳкамланганидир. Асосий қонунимизнинг 39-моддасида ҳар ким қариганида, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эгалиги белгилаб қўйилган. Хусусан "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида", "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида", "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида", "Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида", "Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги ва бошқа шу каби қонунлар фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Бош қомусимизда қонуний мустаҳкамлаб қўйилган яна бир муҳим масала бу – фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқларини самарали муҳофаза этиш масаласидир. Бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий заминини яратиш манфаатларидан келиб чиқиб, Конституция хусусий мулк дахлсизлиги ва унинг давлат томонидан қўриқланишини ҳамда ҳар кимнинг мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини мустаҳкамлади. Хусусий мулкчиликнинг расман тан олиниши иқтисодий фаолият эркинлигини, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш имкониятини яратди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Асосий қонунимизнинг муқаддимасидан охирги моддасигача мустақиллик, демократия, инсон ҳуқуқлари ва Ватан равнақи ғоялари тараннум этилган. Жамиятимиз ҳаётининг қайси жабҳасини олмайлик, у ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мухтасар айтганда, мамлакатимиз Конституцияси мустақил давлатимизнинг буюк келажак сари интилишининг ҳуқуқий пойдевори ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва самарали таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатидир.

Ашура ИБРАГИМОВА,
Чирчиқ туманлараро иқтисодий суди раиси
Ирода ҚУРБОНОВА,
Зангиота туманлараро иқтисодий суди судьяси

Мулоқот

Жиззах шаҳридаги Ёшлар инновацион марказида вилоят ҳокими Эргаш Солиев тадбиркорлар билан учрашди. Ҳоким сўнгги йилларда тадбиркорликни ривожлантириш мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналиши этиб белгиланган, бу соҳага оид 50 дан ортиқ фармон ва қарор қабул қилиниб, амалдаги қонунчиликка кўплаб ўзгартиришлар киритилгани, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базалари янгидан шакллантирилаётганини алоҳида таъкидлади.

Тадбиркорлик янада ривожланса, ишбилармонлик ва инвестиция муҳити яхшиланса...

Шундагина одамлар биздан рози бўлади, деди Жиззах вилоят ҳокими Эргаш Солиев ўзаро мулоқот чоғида

Президентимизнинг 2019 йил 14 майдаги "Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони асосида Бош вазирнинг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этяпти. Жиззах вилоятида ҳам мазкур қабулхоналарнинг вилоят, шаҳар ва туман бўлинмалари узлуксиз фаолият олиб бормоқда. Келиб тушган мурожаатларнинг 675 таси банклардан кредит олиш, 431 таси ер майдони ажратиш, 106 таси инфратузилма тармоқларига уланиш ва 830 таси бошқа масалалар экани эътиборга молик. Демак, тадбиркорлик йўлидаги тўсиқ ва ғовларга тўлиқ барҳам берилгани йўқ. Баъзи маҳаллий ҳокимликлар, давлат органлари идоралари, айрим мансабдорларнинг бу ишга панжа орасидан қараб келаётгани ташаббускор юртдошларимизнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Рақамлардан маълум бўляптики, тадбиркорлар, айниқса, ер, бино ва иншоот, кредит ажратилиши, хомашё билан таъминланиш, коммуникация тизимларига уланишда кўплаб бюрократик ғовларга дуч келяпти. Давлат идоралари тизимининг қуйи бўғинида ишловчи айрим ходимлар қонунларни назар-писанд қилмай, таъмагирликка берилиб кетяпти.

"Ҳаммамизнинг олдимизда бир савол турибди: янги 2020 йилда тадбиркорликни ривожлантириш борасида қандай ишларни амалга оширамиз? Бу йўналишда асосий эътиборни нималарга қаратишимиз зарур? Ушбу саволларга биргаликда жавоб топишимиз керак", деди вилоят ҳокими ва ечимини кутаётган долзарб масалаларга тўхталиб ўтди.

Ҳокимнинг таъкидлашича, ҳозирги кунда энг ўткир муаммо ер ажратиш бўлиб турибди. Бундан буён тадбиркор бўлиш истагидаги ер ва бўш бино-иншоотларни ажратиб бериш очиқ-ошкор равишда, барча учун тенг шароитда, электрон аукцион орқали амалга оширилади. Шунингдек, кредит бериш тизими ҳам энди соддалаштирилади. Ортиқча қоғозбозлик ва сансалорликка барҳам берилади. Чунки банк филиалларининг кредит ажратишда мустақил қарор қабул қилиш бўйича ҳуқуқлари кенгайтирилди. Улар вилоят ва марказга ҳужжат юбормасдан кредит ажратиш ваколатига эга бўлди.

Қишлоқ хўжалигида янги йўналиш сифатида синовдан муваффақиятли ўтган кластер тизими кўпгина тармоқларга жорий этилади. Хусусан, вилоятда 2020 йили 4 та пахтачилик, 1 та балиқчилик, 4 та чорвачилик ва 1 та уруғчилик ва сабзавотчилик кластерларини ташкил этиш кўзда тутилган. Ана шу мақсадда 15 минг 243 гектар ер ажратилади.

Янги ислоҳотлар даврида вилоят ҳудудидаги "Жиззах" ва "Зомин-Фарм" эркин иқтисодий зоналарида тадбиркорлар учун яратилган имкониятлар, хусусан, муҳандислик-коммуникация тармоқлари, солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда бошқа енгилликлар юртдошларимиз ва хорижий сармоядорларни янада рағбатлантирмоқда. Президентимизнинг Жиззах вилоятига шу йил январь ойидаги ташрифи давомида "Жиззах" эркин иқтисодий зонасини Шароф Рашидов, Зомин, Пахтакор ва Арнасой туманларининг саноат учун қулай, зарур инфраструктурага эга ерлари ҳисобидан 182 гектарга кенгайтириш бўйича берган топшириғи янги имкониятлар яратди.

Кичик саноат зоналарида ер участкалари ва бино-иншоотларини бериш, танлаш ва жойлаштириш аукционсиз ва тўловсиз танлов асосида ўз бизнес лойиҳасини амалга ошириш истагида бўлган ташаббускорларга вилоят эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашининг қарорига асосан ўн йилга узоқ муддатли имтиёзли ижарага бериляпти.

– Бугун Сизга қилаётган мурожаатимдан кўзлаган мақсадим битта, – деди вилоят ҳокими, – тадбиркорликни янада ривожлантириш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, давлат органлари ва Сиз, тадбиркорлар ўртасида самарали мулоқот тизимини янада мустаҳкамлашдир.

Вилоят ҳокимининг тадбиркорларга мурожаати муносабати билан ўтказилган учрашув чоғида турли давлат идоралари раҳбарлари ва тадбиркорлар жойлардаги камчилик ва муаммоларга ечим топиш юзасидан ўз фикр ва таклифларини билдирди.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
"XXI asr" мухбири

Кичик саноат зоналарида

Булунғурда саноат ривожланяпти

Бу иборани кўп эмасу яқин беш-ўн йилгина бурун айтсангиз ҳам кўпчиликни ишонтириш мушкул эди. Боисини биласиз, Самарқанд вилоятидаги туманлар орасида бу ҳудуд асосан боғдорчилик, қишлоқ хўжалигига ихтисослашгандек туюларди. Лекин бугун замон ўзгарди, одамлар ўзгарди, шунга яраша талаб ва эҳтиёж, имкониятлар ҳам йил сайин тобора кенгайиб бормоқда. Шу маънода Булунғур туманининг салоҳияти улканлиги боис бу ерда саноат соҳасида катта ишлар бошланаётгани хайрлидир.

Яқинда республика ва вилоятда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокидаги навбатдаги пресс-турнинг Булунғур туманида ташкил этилиши бежиз эмас. Тадбир доирасида ушбу ҳудудда барча жабҳалар, хусусан, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури, инвестиция лойиҳалари ижроси, аграр тармоқ, аҳоли бандлиги, туризм салоҳияти ҳақида атрофлича маълумот бериб ўтилди.

– Президентимизнинг ўтган йил 16 мартда имзолаган "Самарқанд вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан "Килдон" АЖ нинг бўш турган бино ва иншоотлари ва фойдаланмаётган ер майдонлари негизида 7,5 гектар майдонда кичик саноат зонаси ташкил этилди – дейди Бугунғур туман ҳокими Баҳодир Баҳрамов. – Айни пайтда тадбиркорлик орқали юртимиз тараққиётига баҳоли қудрат улуш қўшаман деган инсонларга мазкур манзилдан "ноль" қийматда бўш ер майдонлари ажратиб беряпмиз. Асосийси, жорий йилда 25 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилиб, бу ишларнинг аксарияти тўла рўёбга чиқадиган бўлса, 227 та иш ўрни яратиш кўзда тутилган эди. Айни пайтда бу истиқболли лойиҳалар деярли амалга оширилиб, ўтган тўққиз ой ичида қиймати 50,5 млрд. сўмлик 22 та лойиҳа ишга туширилди ва натижада 225 нафар киши иш ўрнига эга бўлди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб қилиш режаси жорий йил учун 8 млн. 700 минг доллар этиб белгиланган бўлса, 9 ойда 6,1 млн. долларлик инвестициялар ускуналар ва устав фондини шакллантириш мақсадида киритилди. Жумладан, "Samarkand Garden Plast" қўшма корхонасига 1,1 млн. доллар хориж маблағлари асосида мева-сабзавотни қайта ишлаб, экспорт қилиш йўлга қўйилгач, 150 нафар маҳаллий ёшлар муқим иш ўрнига эга бўлишди. "Хитой беш бармоқ қурилиш материаллари" хусусий корхонаси томонидан жами қиймати 3,0 млн. АҚШ доллари қийматида инвестиция критилиб, пишиқ ғишт ишлаб чиқарувчи корхонада 100 та янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, ҳудудда экспорт масаласи ҳам бирламчи бўлиб қолмоқда. Чунончи, амалдаги йилда экспорт режаси 26,7 минг доллар бўлиб, шундан саноат маҳсулотлари 1 млн. 335 минг доллар, мева-сабзавот эса 25 млн. 440 минг долларни ташкил қилиши керак эди. Ўтган 9 ой ичида 22 млн. 500 минг долларлик маҳсулот чет давлатларга сотилди.

Пресс-тур иштирокчиларига келгуси йилда ўз фаолиятини тўлалигича бошлайдиган корхоналар лойиҳалари ҳам намойиш этилди. Хусусан, "Булунғур1" МЧЖ Россия, Қирғизистон, Беларусь, Украина мамлакатларига йилига 72 минг ДАК вино маҳсулотлари экспорт қилиш имкониятига эга. Бунинг учун тадбиркорга 150 гектар майдон ажратилиб, узумнинг винобоп навлари экилди. Яна бир янги лойиҳа эгаси мева-сабзавотни қайта ишлаб чиқармоқчи бўлса, бири макарон, бошқаси гипсокартон, мих, сантехника маҳсулотлари, плиткалар каби қурилишда зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш тараддудида.

Демак, чорвачилик, балиқчилик, боғдорчилик, жумладан, картошкачиликда юқори ва сифатли ҳосил етиштириш борасида бой тажрибага эга бўлган Булунғур тумани яқин орада саноати ривожланган ҳудудлар сафига қўшилишига шубҳа йўқ.

Муҳаббат РАВШАНОВА,
"XXI asr" мухбири

Таклиф

Яшаш ҳуқуқини чеклаб бўлмайди

Бош қомусимизда инсоннинг эркинлиги, у Ўзбекистон ҳудудида бемалол юриши ва ҳаракатланиши ва истаган жойида яшаш ҳуқуқи борлиги кўрсатилган.

Шундай бўлса-да, яқиндан бошлаб фуқаро бошқа вилоятда доимий рўйхатда турса ҳам Тошкент шаҳрида бемалол ишлашига рухсат берилди. Яъни фуқаронинг пойтахтда доимий рўйхатда турмаслиги энди ишга олишда муаммо бўлмайди.

Бу масаланинг бир томони. Аммо ишлашга келганидан кейин унда доимий яшаш ҳуқуқи ҳам бўлиши керак-ку! Унга ишлаш ҳуқуқи берилсаю, доимий яшаш жойи Сурхондарё ёки Фарғонада бўлиши жуда қизиқ эмасми?

Шу ўринда таклифим, Ўзбекистон Республикаси фуқаросига Тошкент шаҳрида доимий яшаш ҳуқуқини бериш керак, яъни неча йиллардан буён муаммо бўлиб келаётган "прописка"ни очиш вақти келмадими?! Ахир, қачонгача Асосий қонунимизга ўзимиз қонуности ҳужжатлар билан инсон дея аталмиш нозик хилқатга, унинг ҳақ-ҳуқуқларига сунъий равишда тўсиқ қўямиз ёхуд яшаб турган жойига доимий яшаш ҳуқуқини чеклаймиз? Бундай ҳолатда "Ҳамма нарса инсон учун, унинг манфаати учун" деган баландпарвоз шиорлар хўжакўрсинга тўқиб чиқарилганмикан, деган шубҳага ҳам бориб қоласан киши.

Фуқарога эркинликни қоғозлар ёки қуруқ тилда эмас, аксинча, ҳақиқий, асл ҳолича бериш пайти келди. Ана шундагина Инсон ҳуқуқлари бутунжаҳон декларациясига ҳам монанд йўл тутган бўламиз.

Юнус НАЗАРОВ,
юридик фанлар доктори

Ифтихор

ВАТАНИМНИ ЁМҒИР БЎЛИБ СЕВАМАН!

Ошиқлигим оҳларимдан сездилар,
Бу ошиқ деб кўплар мендан бездилар.
Қандай севса севаверсин ўзгалар,
Ватанимни ошиқ бўлиб севаман!

Осмонингнинг тоти мунча ширин деб,
Тоғларингнинг мақтай қайси бирин деб,
Семурғ қушни қўллагувчи пирим, деб
Ватанимни бир қуш бўлиб севаман!

Булут бўлиб уммонлардан сув олсам,
Боғларидан ғуборларни қуволсам,
Ҳар гиёҳнинг япроғини юволсам,
Ватанимни ёмғир бўлиб севаман!

Йиғлаб чопсам Новқадан то Шошгача,
Ёшим ювса йўлдаги ҳар тошгача,
Шоир бўлиб яшолмасман бошқача –
Ватанимни кўз ёш бўлиб севаман!

Оғриётган кўкрагимни чангаллаб,
Вужудимда жон қолса ҳам тангадек,
"Халқим" деган сўзни айтсам амаллаб,
Ватанимни бемор бўлиб севаман!

Абдулла ҚЎШБОҚ

Мунозара

Қидирув эълон қилдим!

Партиялар популистик баёнотлар билан кўпроқ овоз тўплаш йўлини тутиши керакдек туюлиши хусусида.

Халқ тилида интернет деб аталадиган глобал ахборот тармоғининг қамрови шунчалик кенгки, унда чегаранинг ўзи йўқ. Ҳамма маълумотлар мужассам бу оламда. Мавзуларнинг ранг-баранглигини айтмайсизми?! Шунинг учун бўлса керак, вақти энг тиғиз одамлар ҳам кунига камида икки марта виртуал дунёга юзланиб қўяди. Бундан камина ҳам мустасно эмас.

Шу аснода хорижий сайтларда машҳур иқтисодчилардан бири Клаус Швабнинг "Тўртинчи саноат инқилоби" концепцияси кейинги йилларда кўплаб давлатлар сиёсатчиларию жамиятшунос олимлари орасида кенг муҳокама қилинаётганига гувоҳ бўлдим ва шу баҳонада Давос шаҳрида ҳар йили бўлиб ўтадиган жаҳон иқтисодий форумининг хулосалари билан танишдим. Табиийки, мамлакатимиздаги бирор-бир ижтимоий-сиёсий газета, сиёсий партия ёки таҳлилий марказлар шу мавзуга эътибор қаратганмикан, дея интернетнинг ўзбек сегментида қидирув эълон қилдим.

Ишонасизми-йўқми, либерал ислоҳотларни ёқлаб келаётган O'zLiDeP айни масалани сайловолди дастурига киритибди. Бундан ташқари, партия фаоллари "Тўртинчи саноат инқилоби"нинг мазмун-моҳияти, Ўзбекистонга нечоғли таъсир кўрсатиши билан боғлиқ ишларни чуқур таҳлил негизида тарғиб қилаётган экан.

Шу ўринда аввалги учта саноат инқилоби хусусида қисқача маълумот: "Биринчи саноат инқилоби" 1760 – 1840 йилларни қамраб олиб, сув ва буғ энергиясининг ўзлаштирилиши орқали қўл меҳнатидан механизациялашган ишлаб чиқаришга ўтилиши билан характерланади. "Иккинчи саноат инқилоби" XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларига тўғри келиб, электр энергияси ва конвейер усули асосида илгари мисли кўрилмаган ҳодиса – саноатда оммавий маҳсулотлар ишлаб чиқариш бошланиши билан аҳамиятлидир. "Учинчи саноат инқилоби" XX асрнинг 60-йилларидан бошланган бўлиб, электрон ва рақамли технологиялар натижасида саноат автоматлашув даражасига кўтарилди.

Таҳлилчилар фикрича, "Тўртинчи саноат инқилоби"нинг ўзига хос хусусиятлари рақамли, физик ва биологик технологиялар ютуқларини мужассамлаштирган янгиларнинг вужудга келишида намоён бўлади. Ҳозирданоқ 3D принтери орқали уйларнинг босмадан чиқарилаётгани, ген инженерияси натижасида тиббиётда яратилаётган инсон органлари, саноатни бошқараётган сунъий интеллект фикримиз исботидир. Модомики, тараққиётдан орқада қолишни истамаган давлатлардан нафақат ўзгаришлар фалсафасини англаш қобилияти, балки уларнинг ҳаётимизга кириб келиш суръатларини ҳисобга олган ҳолда мобиллик, тезкорлик, кенг кўламли ишларни кечиктирмасдан амалга ошириш талаб қилинади.

O'zLiDePнинг бу борада илгари сураётган ғояси Ўзбекистон дунёнинг 50 та энг ривожланган давлати қаторига қўшилишни астойдил мақсад қилган экан, мамлакатни ТСИ талабларига мослаштириш зарурлиги билан ифодаланади.

Албатта, сайловолди палласида партиялар халқнинг эътиборини қозониш мақсадида айни дамда одамларни ўйлантираётган масалаларга кўпроқ эътибор қаратиши, популистик баёнотлар билан кўпроқ овоз тўплаш йўлини тутиши керакдек туюлади. Лекин O'zLiDeP сиёсий майдонга кирганидан буён Ватанимиз равнақига, эртанги кунига дахлдор муаммоларни халққа тушунарли бўлган шаклда, аниқ таклифлар билан жамоатчилик эътиборига ҳавола қилиб келаётганини ва натижа учун ишлаётгани ҳам бор гап. Дарвоқе, либерал-демократик платформани ўзи учун устувор деб биладиган очиқлик, тенг имкониятлар, инсон омилига бирламчи эътибор каби жиҳатлар етакчи давлатларнинг тараққиёт чўққиларига эришишига сабаб бўлди-ку!

Қўшиласизми шу фикрга?

Омон ЭСОН



Тошкент вилояти Қибрай туманидаги

"Temur Samira sifat servis" МЧЖ

Мустақил тараққиёт йўлимизни белгилаб берган Конституциямиз байрами барчамизга муборак бўлсин! Юртимизда ҳамиша тинчлик ва фаровонлик ҳукм сурсин!



8-dekabr
O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi kuni

Хизматлар лицензияланган.

Оҳангарон туманидаги

"Almaz nur stroy" МЧЖ

Муҳим тарихий воқеа – Асосий қонунимиз қабул қилинганининг 27 йиллиги билан барча юртдошларимизни қутлайди.



Бош қомусимизнинг ҳаётбахш куч-қудрати самараларидан баҳраманд бўлиб яшаш ҳар биримизга насиб этсин!



Ватанимиз янада обод, халқимиз доимо омон бўлсин!

Хизматлар лицензияланган.

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

XXI ASR IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA HAFTALIK NASHR

Бош муҳаррир: Норкобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир ҳайъати:
Актам ХАИТОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Алишер СУЛТОНОВ, Мавлуда ХЎЖАЕВА, Сирожиддин САЙИИД, Адҳам ШОДМОНОВ, Тўлқин ЭШНАЗАРОВ, Виктор ПАК, Насимжон АЛИМОВ, Фаррух ЖАББОРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73А-уй.
электрон почта: xxi_asr@umail.uz
Телефонлар: қабулхона – 71 215-63-80 (тел./факс). Котибият – 71 281-40-17 Обуна ва реклама бўлими – 71 215-60-45, 71 255-68-50

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми – 6 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 1258 Тираж: 23441
Баҳоси келишилган нархда.
ЎзА якуни – 23:30
Топширилди – 00:20

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
© "XXI asr"дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнер Маъруфжон Раҳмонов томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
12345

Навбатчи муҳаррирлар: Озод РАЖАБОВ, Элбек ШОЙИМҚУЛОВ.